


ҲАБИБ САЪДУЛЛА

ЯНА ОСТОНАНГДА...

(Шеърлар ва достон)



Тошкент
Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитетининг
«Еш гвардия» нашриёти
1982



Азиз китобхон!

Шеър — шоирнинг шеърхон билан диллашуви. Бу тўплам ҳам сизнинг дилингизга йўл топиш мақсадидаги изланишлар маҳсули. Шу тўплам воситасида бир нафаслик суҳбатингизга ярармиканман, деб жиндек ҳаяжон, жиндек ғулув билан яна оstonангизда турибман...

Ўқиб кўрарсиз. Суҳбатимиз қовушса, ўтган фурсатингизга ачинмасангиз, мен бахтлиман.

Эҳтиром ила: Муаллиф

Тақризчи: Ўзбекистон Лекин комсомоли мукофоти лауреати

Муҳаммад Али

«Ёш гвардия», 1982



Бир сиқим тупроқ

ИПАК МАВСУМИ

Ўттиз хил ташвиши бор
Ўттиз кунлик мавсум бу,
Тариқдай ипак қуртга
Боғлаб дунёча орзу,
Бутун оламни ўйлаб
Шоир каби беуйқу,
Хаёлида бокира
Қизлар кезишар балким,
Бари атлас киймоғин
Истар пиллакор халқим.
Уй тўрига меҳмонни
Олган танти мезбондай,
Захматкаш қурти уйда,
Бола-чақа айвонда,
Оромини унутиб
Сергак туриб посбондай
Ҳотамча ҳимматидан
Нурга тўлдириб қалбим,

Ипак ишқида ёнур
Менинг пиллакор халқим.
Ошпичоқни қистириб
Белга тонготар маҳал,
Барі дардида йўл олур
Тутзор томонга жадал,
Не тонг жондош дўстлар ҳам
Барг деб қизаришса сал,
Буюк мақсад йўлида
Бир-бирин кечирмас ким?!
Буюкликка даҳлдор
Менинг пиллакор халқим.
Нонушта ё тушликка
Гоҳо вақт бўлмаса ҳам,
Уйдаги ҳар бир жонда
Ҳаловат бўлмаса ҳам,
Пилласи бўлмасин кам,
Тароват бўлмасин кам,
Гўзалликка ташналик
Қалбида мангу ҳоким,
Менинг Ўзбекистоним —
Менинг пиллакор халқим.
Кўздан қочган уйқулар
Ипак бўлиб ўралгай,
Тонгдай шаффоф туйғулар
Ипак бўлиб ўралгай,
Меҳнатлару орзулар
Ипак бўлиб ўралгай,
Дағал қўллар заҳмати
Этгай уни мулойим
Ва жамлагай ипакка
Республикам чиройин.
Баҳор каби сержило
Қуёш рангли атласда,
Говланишган қизларга
Кўзлар боқса ҳавасда,
Бу мўъжиза соҳибин
Бўлурму ўйламасдан,
Лойиқдир унга эъзоз,
Лойиқдир унга таъзим,
Бу — сен, менинг диёрим —
Менинг пиллакорим халқим.

Б У Ю К Л И К

Тоғлар қаршисида лол қоламан мен,
Теғлар салобати босибми?
Чўққига бир боқиб тин оламан мен,
Таъзим билан эгиб бошимни...
Мени мафтун этар тоғлар бардоши,
Мангу сукунати биланми?..
Гарчи асрларнинг тенгдош, сирдоши,
Улуғворлик даъво қиларми?..
Гарчи маъданларни сақлар бағрида,
Аймо ҳокисорлик одати.
Дардлар тўлиб кетган қаъри_қаърида
Яна дардларингга қулоқ солади.
Нотанти табиат оқсоч бошида
Неча бэр чақмади чақинлар.
Ваҳима келтириб гоҳ-гоҳ қошига
Момақалдироқлар тақиллар.
Даҳшат солмоқ бўлиб довуллар увлар,
Эзиб ташлаш истар ёмғир, қор.
Канча кўп офатга у дучор бўлар,
Шунчалик касб этар улуғлик, виқор.
Мағрур аташади тоғларни, ажаб,
Унинг мағрурлиги нимада?
Мағрур бўлса бузиб ҳар ишга асаб,
Сурон солмасмиди?
Ахир бир тўлғанса бутун дунёни
Ларзага келтирур муқаррар.
Ҳокисорлигидан турли балони
Кузатар бўлиб гунг ва кар,
Шундоқ, қиёси йўқ
Бардоши билан,
Ҳокисорлиги-ю
Чўнг ёши билан,
Бутун салобати,
Сукунати-ла
Ахир тоғ, тоғ-да!
Ундан шу хислатиғ
Ургангум келар
Гоҳ кимсалар зимдан
Тош отган чоғда.

МУЛОҚОТ

Иш куни тугади.
Умрдан бир кун
Оқиб ўтди мана, мисоли дарё,
Кечгача ечилди қанчалар тугун,
Ва лекин туғилди қанча муаммо,

Улкан дорилфунун бўсағасига
Энтикиб келган бир ўсмир мисоли,
Куннинг неча-неча масаласи-ла
Келдим вақтингизни топиб сал холи.

Владимир Ильич,
Кўҳна дунёнинг
Жуда ҳам кўп экан икир-чикири.
Мен учун тилсимдай ҳар муаммонинг
Сиз билан суҳбатда очилар сири.

Сиз юзга кирдингиз,
Шу улуғ ёшда
Йигитдай мустаҳкам мускулларингиз.
Чексиз оламдаги ҳар битта бошни
Силлашга етади чўнг қўлларингиз.

Луқмону Суқротлар ўтган дунёни
Ақлингиз қилмоқда ёрқин, чароғон.
Асрлар ғафлатга ботган дунёни
Силкита олдингиз ҳайқириб: «Уйғон!»

Нималар емирлди,
Нима топди жон,
Курашда ким ғолиб, ким эса мағлуб?
Бари беш панжадай тарихга аён,
Сизга таъзимдадир машриқу мағриб.

Майли, булар бари шунчаки гаплар,
Сиз муҳтож эмассиз мадҳу мақтовга.
Сизга садоқатли коммунист қалблар
Ўзни курашларда отган оловга.

Сиз ўтда тоблаган Компартиянинг
Метин сафидаги бир аъзосиман.
Ер шарин қуёшга бурган ғоянинг
Фидоси бўлмоққа дилдан розиман.

Ягона ғоя-ла яшайди инсон,
Ғоясиз одамнинг қалби ҳам бўлмас,
Ғоясиз умр у — чиқиб-чиқмас жон,
Гўё тўлқин четга улоқтирган хас.

Менинг асримдаги ҳар тирик жоннинг
Ғояси ягона, бу — ленинизм.
Агар босиб ўтсам умр карвонин
Шу ғояга ворис ўғлиму қизим.

Зотан, алғов-далғов суронли даврим,
Ленинчи бўлганидан боши осмонда.
Кўриб турибсиз-ку, азиз муаллим,
Нималар кечяпти бугун жаҳонда.

Кураш тингани йўқ,
Ев чакаги ҳам,
Зеро, бу ҳаётнинг қонуни экан.
Измингиздан гулга бурканур олам,
Аммо, гул ичида учрайди тикан.

Яшаш-чун сув, ҳаво қанчалик зарур —
Бизларга минг карра Сиз зарурроқсиз.
Шу важдан ҳар оқшом (тутингиз маъзур)
Қошингизга келгум рухсат, сўроқсиз.

Бир менмас, ҳар оқшом курашчан дунё
Сизнинг қошингизда чархлайди онгин.
Йўриқларингиздан топиб нур, зиё,
Порлоқ режа билан қаршилар тонгин.
Тонг отаётир...

Р А Н Г Л А Р

Рассом Муталлиб АББОСОВга.

Ранглардан иборат бу жаҳон,
Ранглардан иборат бу ҳаёт.
Ранглардан иборат ҳар инсон,
Ранглардан иборат кoinот.

Анвойи бўёқлар бўлмаса,
Ловуллар, товланиб қулмаса,
Ранглардан дил завққа тўлмаса,
Ҳаётда бўлмасди зарра тот.

Ҳаётдир, курашдир бу ранглар,
Рангларда минг бир хил оҳанглар,
Гоҳ қувноқ, гоҳ ҳазин жаранглар,
Гоҳ кулар, гоҳ чекар оҳ фарёд.

Бўёқлар тилини билсайдим,
Минг рангни дилдан ҳис қилсайдим,
Ҳеч кимдан, ҳеч ерда, ҳеч пайти
Қутмасдим ҳеч қандай илтифот.

БИР СИВИМ ТУПРОВ

(*Ҳалима опа НОСИРОВА ҳикояси*),

Етти пушт боболардан
Қолган гап бор халқимда:
«Мусофир бўлмагунча
Мусулмон бўлмагайсан!»
Дунё кезиб бу гапнинг
Мағзин чақсам ақлимда:
Мусулмон эмас, балки
Чин инсон бўлмагайсан.
Хорижда бўлганимда,
Она юртим соғинчи
Тенгсиз оҳанрабодай
Юрагимни тортганда,
Ўзбек сўзин эшитиб
Йўқолиб дилим тинчи,
Ватанга муҳаббатим
Яна юз бор ортганда,
Мусофирлик нимадир,
Дил-дилдан ҳис қилганман,
Аянч билан туйганман
Ватангадолар ҳолин.
Мен гул бўлиб юрт атрин
Бунга олиб келганман,
Улар шамол учирган
Хазон япроқ мисоли.
Қўлларидан олтин
Кўзда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Илтижо-ла боқишар
Қуршашиб сўлу соғим:
— Олтин берар эдик-ку
Ҳар бир бошига ўн бош,
Келтирсангиз бир сиқим
Ўзбекистон тупроғин.

Пушмонли кўзларига
Раҳмим келиб боқаман.
(Санъаткорман, онаман,
Кўнглим бўшроқ, биласиз)
— Сизлар олтин қидириб
Келгандингиз бу томон.
Ташлаб келган тупроқни
Энди нима қиласиз?
Қўлларидан олтин
Кўзда ҳалқа-ҳалқа ёш.
Касалингни яширсанг
Иситма этар ошкор:
— О, тақдир улоқтирди
Бунга бизни мисли тош.
Биз жаннат деб ўйлаган
Маъво бу кун зулмат-ғор.
Шунда ўқилиб битар
Ўғримизнинг китоби,
Она юрт соғинчидан
Юрак-бағир минг пора.
Ўлим-ку ҳақ, қўрқмаймиз,
Бойликларнинг ноёби —
Она юрт тупроғидан
Бир сиқим бўлса зора...
Зора бир сиқим тупроқ
Сепилса қабримизга,
Шояд толсақ Ватанда
Ўлганликнинг савобин.
Бир сиқимгина тупроқ
Ўнг сўнгги орзуйимиз...
Дейман, тўхтаг жаноблар,
Шудир сизга жавобим:
— Йўқ, биз тупроқ сотмаймиз,
Тупроқ ахир онадир.
Қай нотава онасин
Алишад олтинга?!

Йўқ, биз тупроқ сотмаймиз
Тупроқ Ватан, хонадир
Ким Ватанни олтинга
Алиштирар айтинг, а?!
Шу бир сиқим тупроқда
Муҳтарам аждодларнинг
Наслларга мероси —
Пок, муқаддас руҳи бор.
Шудир Ватан туйғуси,
Уни сотган зотларнинг
Юзлари қаро бўлгай,
Тарих кечирмас зинҳор.
Биз тупроқни минг бора
Олтиндан қиммат кўрдик.
Олтинга алишганлар
Ватангадо бўлдилар.
Биз тупроқда мисли йўқ
Озод, ҳур Ватан қурдик,
Олтинга алишганлар
Кафангадо бўлдилар.
Ҳа, бир сиқим тупроқда
Жамулжамдир:
Меҳримиз,
Қувончимиз,
Қайғумиз,
Умидимиз,
Ўйимиз
Ризқ-рўзимиз,
Ёвларга аёв билмас қаҳримиз,
Эртанги шод кунимиз,
Байрамимиз, тўйимиз.
Йўқ, биз тупроқ сотмаймиз,
Олинг олтинингизни.
Тупроқ меҳри олдида
Олтину зар хору хас.

Шу олтин жазаваси
Юртдан айирди сизни,
Бизга киндик қонимиз
Томган тупроқ муқаддас.

Қ У Ё Ш

Гарчи кинотда боқийдир қуёш,
Унга бегонадир кексайиш, ўлим.
Аммо оқшом чоғи уфққа қўяр бош,
Бир куни ўтгандан бағри қон бўлиб.

М А Қ Т О В Л А Р

Мақтовлар ұхшайди алдоққа,
Хушёр бұл, улардан биродар.
Тұлдириб қўйнинг пуч ёнғоққа,
Сўндиранар ғайрату ироданг.
Ғарчи сен қатрасан, келса гал,
Ұшатиб қўйишар дарёга.
Айт-чи, ким бахт топмиш, қай маҳал
Ишониб беҳуда рўёга?
Заминдай зил юкни кўтармоқ
Эҳтимол келардир қўлингдан.
Мақтовлар остида қолсанг, оҳ,
Тоймоғинг муқаррар йўлингдан,
Тарихга кўрк бұлган буюклар
Юрганлар мақтовдан юксакда.
Мақтовга қул бұлган шўрликлар
Айланган олтиндан кесакка.
Мақтовлар ұхшайди алдоққа,
Алданиб қолмайлик, биродар.
Алданиб ўзини чироққа
Урган у парвона,
Биз — одам.



Гувоҳ қилмоқчидай ўтган умрга
Ҳаёт пешонамда қолдирмиш чизиқ.
Демак, ёшлик ўтар тўлиб ғурурга,
Бироқ, қоляптими ҳаётда изим?.

НИЯТ ВА ҚИСМАТ

Эзгулик йўлида тошларга тўш уриб,
Не етсин, сой каби шарқираб оқмоққа.
Осов йўл ахтариб, заҳматдан юз буриб,
Бир жилға оқибат айланмиш кўлмакка.

Табиат унга ҳам кўрсатиб саховат,
Йўл топиб берганди тоғларнинг бағридан.
Лаззатли туюлиб заҳматсиз ҳаловат,
Ўзга йўл ахтарди ажраб дўст-ёридан.

Овлоқ жой топди ҳам, ястаниб бемалол,
Ўзини уммон деб санади бечора.
Меҳнатсиз турмушда бўларми истиқбол,
Вақт ўтиб сезди-ю, мажол йўқ, на чора?

Жилғалар сой бўлиб олдинга йўл олар,
Кўлмакнинг ҳасадин қўзғатар шўх куйи,
Бағрига ин қурмиш кўпикдай хаёллар,
Истайди: кўлмакка айланса сой суви.

Сой тўлиб қудратга, олдинга интилар,
Шаффофлик касб этиб, ғайрату меҳнатдан.
Кўлмак чи? Аламдан тупроқни тимдалар,
Тобора фарқ бўлар доғули ниятга...

Не ажаб, ҳар кимга бу доно табиат,
Ниятга яраша бахш этар бахт, қисмат.

М А Ш Р А Б

Уни ўзи туғиб,
Сўнг ўз кашфидан
Еқа ушлаб қолмиш табиат — она.
Битта юрак ичра топмишди маскан
Бир шоҳу
Бир шоир
Ва бир девона.

Оташ нафасидан ларзага келиб,
Уни дорга илди машъум замона.
Замона устидан ҳукмдай бўлиб.
Мангу янграб қолди ўтли тарона.

ЗАРИФАНИНГ ТУҒИЛГАН КУНИ

Маҳалламнинг кўрки, дилбари,
Зарифахон,
Зарифа пари,
Кўчамиздан ўтсанг саллона
Бир тўхталиб...
Боқар ёш, қари.

Ув олтига тўлибсан бугун,
Тўлин ойдаи кулибсан бугун,
Табассумнинг ёнган чеҳрангга
Ранжу ташвиш солмасин тугун.

Шу тароват мангу ёр бўлсин,
Бахтинг топки,
Барқарор бўлсин.
Юзга киргин,
Ўша ёшда ҳам
Бир кўришга ҳамма зор бўлсин.

ИСТАКЛАРИМ

Беозор ёғмоқда паға-паға қор,
Янги йил пойига оппоқ пар тўшаб.
Янги йил кутмоқда жонажон днёр,
Тўйхона тусига кирган ҳар гўша.

Бугун ҳар хонадонда ёзиқ дастурхоя,
Ҳар хушнуд даврада бўлмоқ истагим.
Ўзим ҳар бир уйга етолмам, аён,
Аммо кириб борур ёниқ ҳисларим.

Тантилик қилса-ю она табиат,
Агар янги йилга айланиб қолсам.
Сизга, ватандошлар, олам олам бахт,
Шодлигу табассум ҳадыя етолсам.

Зарра йўл бермасам дарду ғуссага,
Посбон янглиғ туриб дарвозангизда.
Темир қанот бўлсам синмас, мустаҳкам,
Орзулар уфқига парвозингизда.

Зарварақ бўлардим кўҳна тарихнинг
Армонлар битилган чўнг китобида.
То андоза олсин мендан асрлар,
Эзгуликка хизмат қилмоқ бобида.

Агар янги йилга айланиб қолсам...




Илҳом оғушида маст бўлсам гоҳо,
Уғлим қаламимни олиб қочади.
Қаламим учига илганча гўё
Ранжу аламимни олиб қочади.

Болалик аталган беғубор дунё
Дардли оламимни олиб қочади.
Менга шўхлигини қолдириб танҳо,
Ташвишу ғамимни олиб қочади.

Ениқ ҳисларимни қўяр жиловлаб,
Мени олиб чиқар сирли дунёдан.
Қиқирлаб чопади,
Етолмам қувлаб,
Қувлаб,
Болаликка етолмас одам.

Майли етолмасам...
Меанда не армон,
Уғлим олиб кетса мендан қаламни.
Болалик олмаса кимга тутарман
Тақдири қаламга боғлиқ оламни?!



Менинг излаганим

МАКТУБ

*Мени мен истаган ўз суҳбатида
аржуманд этмас,*

*Мени истар кишининг суҳбатин
кўнглим писанд этмас.*

НАВОИЙ.

Ҳайрон бўлма, саратонда ёққан каби қор,
Тасодифан бориб қолса сенга бу мактуб.
Ҳаёт мени ишқ дардига айлагач дучор,
Юрагимни ёздим сенга, ҳамқишлоқ маҳбуб.

Мен китобий севгиларни тан олмас эдим,
Олис эди улар мендан ер-осмон қадар.
Пари бўлса қошида тиз чўколмас эдим,
Ҳам гурусиз йигитлардан қилардим ҳазар.

Кулар эдим: севиб қолдим, дея оҳ уриб,
Тунлар мишжа қоқмай чиққан мактабдошларга.

Ачинардим дафтарларин шеърга тўлдириб,
Муҳаббатдан лоф ургувчи қалам қошларга.

Кулган эдим учрашганда ўзинг йўқотиб,
Титраб турсанг мисли шамол тебратган ниҳол.
Парво қилмай ёнгинангдан кетгандим ўтиб,
Қолганингда ороминг ҳам кетиб, бемажол.

Кечир мени, қарорини ўғирлатган қиз,
Кечир мени, бир сўзимга интизор дилбар.
Мен қошингда бош эгайин, майли, чуқай тиз,
Сен олдимда буюк тоғсан Ҳимолай қадар.

Сен кутардинг бир сўзимга бўлиб мунтазир,
Мен бировнинг бир сўзига ташнаман бунда.
Сени менга асир этган бу телба тақдир,
Мени ўзга йўлларига ташлаган бунда.

Мен ўшанда оҳларингга қилмасдим парво,
Менинг оҳим энди унга чангдай беқиммат.
Истамасдим эшитмоқни розингни ҳатто,
Бугун менинг розларимга у қилмас шафқат.

Шунда сени эсга олгум, эй, соҳибжамол,
Пок севгингни топтагандим етмай қадринга.
Сен ўн етти ёшда бўлдинг бир дардга дучор,
Ҳаёт минг дард қўшиб қўйди менинг дардимга.

Кечир мени, қарорини ўғирлатган қиз,
Илк севгим, деб санамагил мени муқаддас.
Муҳаббатини қолдиргандим жавобсиз, эсиз,
Букув мендан илк муҳаббат олаётир қасд.

МЕНИНГ ИЗЛАГАНИМ...

Агар сен бўлмасанг, бўлмасдим мен ҳам,
Асли туғилганман сен учун эркам.

Туғилган онимдан сени изладим,
Сени топмоқ бўлди умрдан маъно.
Беқарор ел каби излаб, бўзладим,
Излаб, бетин кездим мисоли дарё.

Менинг излаганим сен эдинг танҳо.
Сенки — ишқу вафо, гўзаллик, ашъор.
Сенки — дил дардимга ягона даво,
Ёлғиз ҳасраткашим, мунисим, дилдор.

Менинг излаганим сен эдинг танҳо,
Сенки — юрагимни қиздирган қуёш.
Сенки — дилдан оққан нолаю наво,
Лабимдаги кулгу,
Кўзимдаги ёш.

Менинг излаганим сен эдинг танҳо,
Сенки — ишқ аталмиш қудрат ва туйғу.
Сенки — ҳижронларга айлаб мубтало,
Тунлар кипригимдан қочган шўх уйқу.

Мен излаган гавҳар сен эдинг танҳо,
Тошга қоқилтирди йўлда бу ҳаёт.
Неча бор ёнингдан ўтиб бепарво,
Сенсиз қолишимга оз қолди, ҳайҳот!

Менинг излаганим ўзингсан танҳо,
Аё, дил мулкимда ноёб гавҳарим.
Кўплар сен бўлмоқчи бўлишар, аммо —
Мен топиб оламан Сени ахтариб...

Агар сен бўлмасанг, бўлмасдим мен ҳам,
Асли туғилганман сен учун эркам.

ЛАҲЗА

Мунча гўзаллар кўп бу анжуманда,
Тароват базмига чиққанми қизлар?!
Турфа гулларга бой ушбу чаманда
Ташна нигоҳим бир раънони излар.

...Файз йўқолиб борур бу анжуманда,
Кўзимга тушмагач жонбахш кўзларинг.
Гуллар хазон бўлиб қолди чамамда,
Моҳим, кўринмагач порлоқ юзларинг,

Шукр, бу кўргулик бир лаҳза холос,
Ихтиёр этмабсан бир анжуманим,
Хазон бўлар экан умрим рўйи-рост
Мангу безатмасанг қалбим чаманим.



Бизни чорраҳада учратди ҳаёт,
Гарчи бошқа-бошқа эди йўлимиз.
Аммо ташна кўзлар тўқнашган заҳот
Бир нафас ларзага тушди дилимиз.

Менинг йўлим чексиз, кенг ҳамда узоқ,
Қисқа, тор экан сен боражак йўллар.
Сени ўз йўлимга бошладим, бироқ
Бир дамда айрилди қовушган қўллар.

Мана, кетяпман йўлимда ҳануз,
Сени дил қўмсайди тунд кечаларда.
Ҳамроҳ бўлолмадинг, чекаман афсус,
Қолдинг-а, боши берк, тор кўчаларда.

Бизни чорраҳада учратди ҳаёт,



Ер ёнида ёниб сўзладинг,
У сукутда тинглади кулиб.
Елборувчан боқди кўзларинг,
У ишонмай турди термилиб.

Ер ёнида ёниб сўзладинг:
— Туролмайман, кўрмасам сизни.
Қумри кабе сайраб, бўзладинг,
Ром этмоқчи бўлгандинг қизни.

Ер ёнида ёниб сўзладинг:
— Қўрқаманки, телба бўлмасам.
Яна, яна нелар дер эдинг,
«Ўзингизни босинг», демаси.

Ер ёнида ёниб сўзладинг.
Ҳасратингни тинглади узоқ.
Авжга мингач ўтинч, сўзларинг
Қайтмас бўлиб кетди у мутлоқ.

Оҳ урдинг-у, тутолмай қолдинг,
Кетган эди бахт қушинг учиб.
Муҳаббатнинг қадри йўқолди,
Дилдан тилга кўчгани учун.



Малоҳат бобида танҳосан, санам,
Бир кўрган бўлғуси ҳуснинг мафтун.
Афсуски, ўзинг ҳам биласан, буни.
Шундадир бахтнинг ҳам,
Баҳисизлигинг ҳам,

Ж А В О Б

Рашкни қўзғабми санамлар шаъни,
Ва севги мадҳига мен битган ашъор.
— Менга бағишлаган шеърингиз қани?
Ноз билан сўроққа тутади дилдор.

— Сенга шайдолигим ўзи бир ғазал,
Сенинг ҳар мақоминг менинг шеъримдир.
Ҳаётим нур билан буркаган гўзал,
Сенга бағишлаган шеърим — умримдир.



Доғ солиб сўзлашар тиниқ шаънингга,
Сендан воз кечмоғим хоҳлашар чунон.
Зимистон тунларда қолар не кунга,
Доғ бор, деб Ойдан воз кечса Осмон?!



Сени юрагимнинг қаъридан мутлоқ
Юлиб ташламоқчи бўламан.
Сени юрагимнинг қаъридан мутлоқ
Суғуриб ташламоқчи бўламан,
Бироқ
Юлиб ташлолмайман, малагим!
Ахир сен билан бирга
Юлиниб кетмасми юрагим,
Юрагим юлиниб кетса аниқ-ки
Уламан.
Ўлимдан қўрқмайман,
Қўрқаман фақат
Сени ўзгаларга бериб қўйишдан.
Сени ўзгаларга қолдириб кетишдан
Қўрқаман,
О, даҳшат!
Бу азоб ўлимдан минг карра ёмон,

Бир шингил ҳажв

ДЕНГИЗДАГИ СУҲБАТ

(Бўлган воқеа)

Қайси бир йил чет элларни
Қилмоқ учун саёҳат,
Отланишди Гафур Гулом,
Ойбек ва Акмал Пўлат.

Қанча йўлни машинада,
Қанча йўлни поездда
Ўтгач, сафар давом этди
Пароходда—денгизда.

Тўлқинларнинг кўксин ёриб
Кема кетиб боради.
Неча кунки кўринмайди
Сўнгсиз уммон сарҳади.

Йўл ҳамон сув...
Тўрт томон сув,
Ойбек домла ҳайратда.
Тугаб қолар экан мавзу
Олис йўлда суҳбатга.

Гафур ака завқи тошиб
Деразадан қарайди.
Енгил шамол гўлқин ёлин
Эркалатиб тарайди...

Акмал ака бўлмоқ учун
Улкан шоир хаёлин.
Ҳазил билан бериб қолар
Тасодифий саволни:

Челак бериб шу денгизни
Бўшат, деса, борди-ю,
Ғафур ака, неча челак
Чиқаркин-а бунда сув?

Ғафур ака қувлик қилиб
Сувга назар ташлайди,
Уйлангандай лаҳзагина
Манглайини қашлайди.

Сўнг салмоқлаб жавоб берар
Асло бузмай пинагин:
— Бир челак-да.. Шу денгиздай
Бўлса агар челагинг.

Ҳ А З И Л

Ўзим сени мақтаб_мақтаб юксакларга кўтардим,
Энди ўзим у чўққига ета олмай доғдаман.
Гоҳо-гоҳо ёнгинамга тушарсан, деб кутардим,
Ўз-ўзимни койиб юргум тушмаганинг чоғда ман.

Мен чўққига кўтаргандим, чиқиб олдинг осмонга,
Сал пастроқ туш ,ердаги бир бечорага шафқат қил.
Ўзинг жонов, чиқолмасдинг уч поғона нарвонга,
Бўлмаганда мендаги шул ихтиёрсиз, юмшоқ тил.

РИВОЯТ

Бу ҳудудсиз оламда ёлғизликдан зерикиб,
Бир тонг одам яратмоқ режасин тузмиш худо.
Ва бир уюм тупроқни оёқ остига тўкиб,
Одам лойини қориб, пишитиб эзмиш худо.

Кейин таҳорат олиб, завқу ҳафсала билан
Бор санъатин ишлатиб тушмиш одам ясашга.
Ўз ишидан қувониб, қўшиқни қўйиб балад,
Лак-лак жуссани тизмиш кечагача гўё лашкар.

Қош қорайгач боқсаки, қолибди бир сиқим лой,
Ўзи ҳам кўп толиққан, бошқа лой қормоқ малол.
Бир сиқимгина лойдан одам ясаб бўлмагай,
Кўзи қиймас ташлашга, одамнинг лойи, увол.

Роса боши қотибди шўрлик ҳорғин худонинг,
Хаёл билан бир нарса ясаб қўйибди қушдай.
Ичини ғовак қилиб, тешиб икки томонин,
Пуфлаб кўрса чиқармиш ажойиб бир сас — хуштак.

Эртасига тонг билан жон улашибди худо,
Хуштакка жон беришга асло йўқ эмиш асос.
Жон берса ақлу ризқ ҳам лозимдир этмоқ аго,
Гарчи одам лойдан, лек ўзи одам эмас.

Сўнг бериб одамларга пуфлатиб кўрмиш бир-бир,
Бир лаҳзада қўлма-қўл бўлиб кетмиш бу эрмак
Ким қаттиқроқ пуфласа, қаттиқроқ қилар «чир-чир»
Худо хулоса қилмиш: Жон зарур эмас, демак!

Демак ризқ ҳам керакмас, ичига пуфлаб турсанг,
Тириклиги ўтади бировларнинг дамидан.
Ақл ҳам ҳожат эмас, ким қайси томон бурса,
Уша томонга юрар, билмас недир қувонч, ғам.

Шу йўсинда ташвишдан қутулибди худо ҳам,
Одамлар орасида қолиб кетибди хуштак.
Ўзгалар дами билан чинқирганларни кўрсам,
Бенхтиёр ёдимга гушиб кетар шу эртак.



О н а и з о р

(Достон)

Мухтарама волидам Мукаррамхон МИРЮСУФ
қизига оташин меҳр билан бағишлайман.

МУҚАДДИМА

Қурбонларнинг хотирасин
эъозлаган ҳайкаллар
Пойига мен бошим эгиб
келганимда таъзимга,
Қурбонларнинг ҳурматига
ёнган мангу машъаллар
Оналарнинг қалби бўлиб
кўринади кўзимга.
Ҳа, оналар қалби ёнур
шаҳидларнинг доғида.
Мангу машъал — юракларни
ёқиб кетган ҳижрондир,
Фарзандларин улуғ жангга
кузатишган чоғидан
Оналарнинг юрагида
туғилган зил армондир.

Мангу машъал қаршисида
ҳар гал толиб хаёлга,
Едга келур бир умидвор
онаизор қисмати.

Мангу умид ошно бўлган
ул табаррук аёлга
Ениқ қалбдан шу достоним
бағишлашни истадим.

I

...Ииғилди нонушта дастурхони ҳам,
Ишга кетди келин — лобар Латифа.
Янги кун бошланди —
Умр достонидан
Очилди яна бир янги саҳифа.

Она ёлғизгина қолди ҳовлида,
Ҳамдами қўлдаги қадрдон ҳасса.
Сабру матонатга бир тимсол эди,
Ҳассага суянган бир сиқим жусса.

Мўъжазгина ҳовли.
Ўртада шийпон.
Шийпон теграсида анвон гуллар.
Пайпаслаб йўл олур гуллари томон,
Яна оқшомгача дардкаши шулар.

Фарзандлари бошин силаган каби
Гулларини бир-бир силайди она.
Гулзорга дардини сўйлаган каби
Ажиб мунгли қўшиқ куйлайди она:

«Боғаро сайр айлабон
Арғамчи солдим толга,
Толеим йўқлигидан
Елғончи бўлдим ёрга.

Толеним бўлса эди

Ёнган чироқ ўчгаймиди,

Мен суянган тоғларим

Ўз ўрнидан кўчгаймиди?»

Хазин қўшиғига ўзи чайқаб бош,

Қўшиқ оҳангида бўзлайди она.

Балки ўша саркаш,

Ўша қаламқош,

Оляс ёшлигини излайди она.

Гуллар атрин олиб қочувчи еллар

Тортқилаб кетади она хаёлин

Шу елдай беқарор,

Бевафо йиллар

Ялаб кетган каби умрин. жамолин.

II

Заркент боғларида олма ғарқ пишган,

Олма юз қизларнинг кўнглида ғулув.

Сулаймон боғбоннинг ёлғизи — Сулув

Таърифи йигитлар тилига тушган.

Чилвир кокиллари бошда чамбарак,

Эгма қош олдида ҳилол шарманда.

Дардида хун бўлмиш не-не зор юрак,

Чарос кўзларига бир қишлоқ банда.

Сарздай тик қомат, сарздай саркаш,

(Қизлар шундай бўлар ўн олти ёшда!)

Юз қалбга ўт солган бўлса ҳам яккаш,

Ҳали ишқ савдоси тушмаган бошга.

Ёзнинг қайноқ куни,

Шиншадай осмон.

Ёшлиқ гупуради Сулув қонида.

Кун бўйи боғида куйманди боғбон,

Сулув ҳам тинмади ота ёнида.

Кулрани оқшом чўкди,
Парда тортди тун.
Маст уйқуга кетди Навкент, Парамон¹).
Сулаймон боғига ёприлди беун,
Ниқоб тортиб олган қора оломон.

Босмачилар!

Э-воҳ!

Сулаймон боғбон —
Оғзига бир зумда латта гиқишди.
Сулувнинг бошига ёпишди чопон,
Даст кўтариб қушдай олиб чиқишди.

Қутурган давангир ўнгарди отга,
Навай² сари елди қора оломон.
Кўксига босмачи тирсаги ботгач,
Сулув халқумига келиб қолди жон.

Сулув типирчилар,
Аммо чорасиз —
Чилвирда боғланган момикдай билак.
Босмачи отлари чопиб боради,
Йўлда қасди бордай зўр гупур билан.

Ногаҳон бошланди тўполон, «қарс-қурс»,
От чўккалаб қолди.
Қайнар отишма.
Сулув йўл четида қолганди ёлғиз,
Пойида босмачи ётар ер тишлаб.

Ним ойдин кечада ажиб манзара:
Бировлар қуварди,
Қочар ўзгалар.
Қошида бир йигит турарди қараб,
Сулув дилида боз шубҳа қўзгалар.

1, 2 Янгиқўрғон районидаги қишлоқлар.

Йигит отдан тушди.
Ечди қиз қўлин.
Дағал кафти билан тузатди сочин.
Қушдай типирчилар Сулувнинг кўнгли
Учиб кета қолса...
Қани иложи?

— Синглим, отинг нима,

Кимнинг қизисан?

— Сулаймон боғбоннинг қизи — Сулувман!

Шубҳасини сезиб титроқ сўзидан,

Йигит сувдон тутди:

— Ичиб ол, сувдан!

Сулувман, дегин-а,

— Ҳа, ўша ака...

Бир ютум сув ичиб энтикади қиз.

— Қўрқма, бас, қутулдинг!

«Халоскор экан!»

Ойдинда йигитга кўз тикади қиз.

— Ўзингиз ким, ака, исмингиз нима?

— Қодир! Қара, синглим, кулды омадим.

Босмачи йўлига қўйиб пистирма,

Анов қуваётган менинг отрядим.

Мен ўша отряднинг командириман,

(Сулув юрагидан чекинди қўрқув).

— Ўзимизникисиз? — деворди бирдан,

— Ўзингники бўлсам, кошкийди, Сулув.

Сўзга чечан экан йигит тушмагур,

Сулувни тилидан илинтирди-я!

Бунақа мот бўлгач, бармоқ тишланур,

Ҳа, не ҳам дерди-я, нима дерди-я?

— Кузатиб қўлайми,

Еки от берсам,

Қўрқмай кетасанми боғингга ёлғиз?

— Овоз ҳам етади бундан чақирсам.
Ҳеч хавотир олманг.
Раҳмат! — деди қиз.

Ўлжа от жиловин гутқазиб қизга,
Эгарга миндирди белидан тутиб.
— Саломат етиб ол,
Қайтишимизда
Хабар ҳам олармиз Заркентдан ўтиб.

Қодир от чоптирди отряд изидан,
Сулув ўз боғига етди соғ омон.
Шу машъум кечада ажраб қизидан,
Қўл-оёғи боғлиқ ётарди боғбон.

Сакраб отдан тушиб ҳаққирган Сулув
Хушсиз отасига отди ўзини.
Қўл оёғин ечди ва пуркади сув,
Боғбон қизин кўрди очиб кўзини.

III

Тонг отди.
Қуёшнинг заррин нурида
Ёқутдай товланар қизил олмалар,
Боғнинг ўртасида —
Муъжаз сўрида
Ота-бола чойга ўтиргая маҳал,
Боғлар оша келди қўшиқ овози.
Демак қайтар эди отряд музаффар.
Демак, командирнинг рост бўлса сўзи,
Хабар олмоқ учун қирар муқаррар.
Қодир таърифини эшитганди чол,
«Бир кўрай — деб қўйди,
Кирсин, ишқилиб».
Висолга талпинган маъшуқа мисол
Бир халқириб қўйди Сулувнинг дили.

Ҳали тугамасдан чойнакдаги чой,
Яқин келиб қолди отлар дупури.
— Сулаймон ота, ҳой, боғбон ота, ҳой!
Биров чақирарди отда ўтириб.

Сулув чопа кетди дарвоза томон,
Инқиллаб ўрнидан қўзғалди ота.
— Хуш келибсиз, бемалол киринг, оғажон,
Роса дуо қилдик Сизни тонготар.

Демак, Қодир келди,
Сезганди дарҳол,
Қизининг қувончли шўх овозидан.
Бу жасур йигитдан мамнун бўлган чой
Сўрига чорлади тавозе билан.

Сулув чой узатди халоскорига,
Бармоқлар тўқнашди.
Учрашди кўзлар,
Боғбон чи, Қодирга ўзича сўзлар!
«Ўғлим, минатдорман умрим борича!»

Фурсати зиқ эди,
Шошарди Қодир.
Сулув юрагида ажиб ғалаён,
— Олингу олдирманг!
Биздан дуо-да,
Келиб туринг, ўғлим!
Кузатди боғбон.

IV

«Олингу олдирманг!»
Қодир тулпорин
Туёғида янграр гўё бу садо.
Олиб кетган эди қиз ихтиёрин,
Сулув юрагида увсиз бир нидо.

Восмачи бандидав этди ю озод,
Ўзи баттар бандга боғлаб кетди-ку,
Қулоғи остида қолди умрбод:
«Ўзингники бўлсам, кошкийди, Сулуви!»

Кўз ўнгидав кетмас ўша сураги:
Чақноқ кўзлар узра пайваста қошлар,
Отда Алпомишдай чатнаб гуради,
Сузлари кўнгилга бир олов гашлар,

Сулув кириб қолди сирли дунёга,
Тинч қалбин муҳаббат этди беҳузур.
Узун кечалари ботар ҳаёлга:
«Ўзимники бўлса, кошки, бир умр!»



«Олингу олдирманг!»

Чопаркан Қодир,

Қулоғида янграр боғбон дуоси:

«Олдирманг,

олдирманг, олдирманг, олдир...»

Қалбин олиб қолди ҳурлиқоси.

Ҳа ,севги домига гушди командир,
Орому қарорин йўқотган шайдо.
Алғов далғовда ҳам фурсат топиб бир,
Кунда ё кун ора Заркентда пайдо.

V

Оний учрашувлар,

Лаҳзалик висол,

Қуёшдай қиздириб йигит-қиз қалбин.

Дилларда муҳаббат топди-ю камол,

Қўшилди ошиқлар орзу, матлаби.

Дардингни яширсанг иситманг ошкор,
Ахир ошкор бўлди командир дарди.

Боғбон ҳам тангилик қилди-ю бир бор
Тўйга фотиҳага қўлин кўтарди.

...Сулув билан Қодир тўйларин ҳамон,
Заркент аҳли эртақ каби хотирлар.
Карнай-сурнай билан
Наманган томон,
Қизни олиб кетди қуда хотинлар.

...Кампир бир ютиниб қўйди ўзича,
Келинлик йилларин қўмсаб, соғиниб.
Гўё зиё тўлди сўқир кўзига,
Лабларига босди гул япроғини.

VI

Ҳовлини тўлдириб, гулдираб шу пайт,
Кириб келди яна таниш почтачи:

— Ассалом-алайкум,

Чарчамай-толмай,

Омон юрибсизми, Сулувби ача?

— Кел, ўғлим, бормисан?!

Нимадан чарчай...—

Дуо қила кетди:

Латифахонни,

— Ҳамма юмушимни қилар, қизимдай

Дард чексам бергудай ҳатто жонини...

Кел болам?!

— Одилжон пул юборибди.

— Дарвоқе, тушимга кирди шу кеча.

— Яқинда бориб ҳам қолармиз, дебди...

Бир даста ақчани тутди почтачи.

Елғиз қолганинда келган суҳбатдош

Мисоли ғойибдан тушган хазина,

Кўнглида сақлашга етмасдан бардош,

Тушян сўзлай кетди Сулувби эна:

VII

— Яйраб юрганмишман катта чорбоғда,
Сархил меваларга кетармиш ҳушим.
Атрофи ойнаванд бинодан тушиб,
Бир гуруҳ ёш-яланг келмиш мен ёққа.

Танишга ўхшайди барин чеҳраси,
Худди ўз боламдай дилга яқинмиш.
Еру кўкни тутар шўх қаҳ-қаҳаси,
Бирови «Аба»¹ деб мани чақирмиш.

— «Абажон!»
Қучоғин кенг очиб келиб,
Даст кўтариб олди,
Қарасам — Одил.
«Болам, — дейман дув-дув ёшим тўкилиб —
Шукр, ҳосил бўлди охир муродим.

«Келинингиз, — дермиш, — Мария, Марьям!»
Ўзбек қизларидай эмиш қора қош.
Белига чулғанган жуфт ўрилган соч,
«Тенгини топибди, — дермишман, болам!»

«Булар — Фарҳод, Сайёд, Дилшод — ўғиллар,
Қизларим — Хуршида, Хуснида — мана»
Пешонасин тутиб келишди улар,
Суйиб ўпармишман, айлансин онанг!

Суратлари бору кўрмаганман-да,
Лекин кўзларимга суриб юрибман.
Кўрсам деб юрардим, орзу-армонда,
Қара-я, тушимда барин кўрибман.
Ҳа-ҳа, равшан кўрдим, аммоки, тавба,
Одил ўша-ўша — ўн тўққиз яшар.
Болалари бўлса ўзидан катта,

¹ Аба — Наманган таҳжасида она.

Қўйиб қўйгандақа ўзига ўхшар...
Энди бошланганда ҳол сурштириш
Бир нимадан чўчиб уйғониб қолдим.
Қара-я, ўнгидан келганини туш,
Йўқлаган экан-да, хабарин олдим.
...Муштипар онанинг тушини тинглаб,
Ичидан зил кетиб турар почтачи.
Кампир бир хўрсиниб яна бошлар гап:
— Пулни нима қилай, ўзи келса-чи?
— Келади, ҳадемай келади, ача,
Қайга ҳам борарди юртига келмай?!
— Ҳа, болам, унга ҳам осонмас унча,
Жўжабирдай жонмиш..
— Балли! Бўпти, хайр!

Қандоқ келган бўлса, шундоқ гулдираб,
Почтачи йўл олди дарвоза томон.
Озғин иягига муштини тираб,
Танҳо қолди яна бу умидли жон.
Кафтига қисганча бир даста пулни,
Тушин эсга олиб жилмайди хиёл.

Боз бағрига тортди орзуманд дилни
Елғизликнинг содиқ ҳамроҳи хаёл:

VIII

Иқболхона эди кичик хонадон,
Сулувхон бахтининг чеки йўқ эди.
Уч ўғлон гиргиттон эди онадан,
Дастурхони тўқини,
Кўнгли тўқ эди.
Садоқатли эри — Қодир чавандоз,
Босган қадамидан чақнарди олов.
Ҳамон аввалгидай кескир ва бир сўз
Мардларга фидойи,
Номардларга — ёв.

Хизмати аскарча — НКВДда
Ҳаёти аскардай нотинч, серғулув.
Турмушда қолмасдан карвон кетида —
Мактабда тарихдан дарс берар Сулув.
Сафга кириб қолган уйни тўлдириб,
Кетма-кет туғилган уч оға-ини.
Қувонар ўғлонлар бастини кўриб,
Рўзгор юмушидан қолганди тиниб.
Тўнғичи онасин изидан борган,
Мактабда муаллим — аталган Нодир.
Уста математик — қилни қирқ ёрган,
Ун ўйлаб бир сўйлар эди маънодор.
Ўтган йил битирди дорилфунунни,
Севган курсдошига уйланиб қайтди.
Эл кўриб тошкентлик зебо келинни,
Нодирнинг дидига офарин айтди.
Келинки, латофат бобида тенгсиз,
Исми Латифахон — жисмига монанд.
Пазанда, меҳнаткаш, меҳрибон, муноси,
Хизматидан бутун маҳалла хурсанд.
Шофёр бўлган эди иккинчи ўғил,
Қотма, эпчил эди, ғайратли, ўктам.
Кулиб турган, тийрак, боладай хушфёъл,
Шўхлиги ёқарди гўзалларга ҳам.
Нозим аташганди унинг отини,
Сардоба¹ қизларин жон дили эди.
Мен билан боғлар, деб, ўз ҳаётини,
Кўплари тикканди унга умидин.
Кенжаси шу Одил — ўн етти яшар,
Имтиҳон берарди ўрта мактабда.
Ўйчан боқишлари жуда ярашар,
Орзулар лиммо-лим маъсум ёш қалба.

1. Сардоба — Наманган шаҳридаги даҳа.

Учта ўғил гўёки уч бутун жаҳон,
Келин Латифахон нурли бир олам.
Бахтидан энтикеб яшар хонадон,
Мангуга келгандай бу уйга кўклам.



Ногаҳон зилзила даҳшати мисол
Олам тинчин бузди «уруш» деган сўз.
Ким ғазабдан титрар,
Ким қолганди лол,
Гўё кўклам ўрнин эгаллади куз.
Гўё тўниб қолди гулларнинг атри,
Тинди чаманларда булбуллар саси.
Ошларга қатилди шу сўзнинг захри,
Сўнди чехраларнинг хушнуд хандаси.
Ватаннинг бир қисми бўлган хонадон
Шу сўз даҳшатидан тушди ларзага.
Жунбушга келди-ю томирларда қон,
Ғазабдан айланди ҳар мўй найзага.
Ёв бостириб келган ўша машъум кун
Икки ўғлин олиб отланди ота.
Сулувхон қўл очди фотиҳа учун,
«Соғ-омон боринг-у қайтинг бехатар!»



Онажон, бўлмагай лашкар хатарсиз,
Хатардан беҳабар эдингиз у кун.
Ҳамон ўша кунни қарғаб ўтарсиз,
Кўзи йўлда қолган оналар учун.



Гавжум хонадонни ўғри олгандай,
Тўрт эркак ўрнига қолганди Одил.
Рўзғор ташвишларин кўтармоққа шай,
Ҳар ишга уқувли,

Ҳар ишга қобил.
Тўрт эркак ўрнига қолган ўспирин
Ёлғиз суянч эди келин, онага.
Ҳар сатри «ғалаба» сўзидай ширин —
Хатлар ишонч эди келин, онага.
Бир ёнда Латифа, бир ёнда Одил,
Она дардларига шерик бўларди.
Рўзгор-ку бекам-кўст, аммо интиқ дил,
Онани эзарди айрилиқ дарди.
Одам олар экан одамнинг тафтин,
Одамлар ичига ўзин урарди.
Оқшомлари ҳориб қайтгач мактабдан,
Маҳалла ишига бош-қош турарди.
Маҳалла раисин муовини — «ая»
Юмушлар ичида дардин унутар.
Маҳалла ишида бўлмас ниҳоя,
Гоҳ ярим тунгача қолиб ҳам кетар.
Бировнинг эридан келган қора хат,
Уни юпатмоққа шошади дарҳол.
Бировни алдаган дўкандор бадбахт,
Уни сал инсофга чақирмоқ даркор.
Ҳижрон аталгуси оғриқсиз азоб
Эсдан чиқар гоҳо ишнинг кўпидан.
Сулувхон ҳижронга берар эди тоб,
Мадад олар эди ёр мактубидан.

IX

Бирдан босиб келди ғам деган вабо —
Хат олди: — «Эрингиз қаҳрамонларча...»
Бошига улкан тоғ қулади гўё,
Бир ўқ очиб кетди кўксидан дарча.
Ут ичида қолди жону жаҳони,
Кўз ёшлари оқди мисли шалола.
Ёндиргудай эди бутун дунёни
Сулув юрагидан ўрлаган нола:
«Бахтим, етардим-ку сенинг қадрингга,

Тегрангда айланиб парвона мисол.
Чанқоқ боқшинингга,
Шамшод қаддингга
Бир умр шайдон, ташнаи висол.
Оловли кунларда омадинг тилаб,
Мижжа қоқмасдим-ку узун кечалар.
Сафарлардан қайтсанг ғолиб, ярқираб,
Иқболга тўларди уйлар, кўчалар.
Амрингга шай эдим аскар боладай,
Соябоним эдинг,
Таянчим эдинг.
Олис тутардинг-ду ҳижрон, ноладан,
Энди не кунларга қолдириб кетдинг?
Мард эдинг,
Ғолиблик сенга ёр эди,
Қиличингдан ўтган қанча-қанча ёв.
Наҳотки ажалга бўй эгдинг энди,
Наҳотки қулади сен минган бедов.
Нурхонамасмиди сен билан кулбам,
Севгимиз ниҳоли уч мева берди.
Йигирма уч йиллик тотув турмуш ҳам
Наҳот ширин тушдай эсланур энди?!
Қадрингга етдиму авайлолмадим,
Наҳот ташлаб кетдинг, қалбим гавҳари.
Сенсиз ҳаётимда маъно қолмади,
Наҳот сенсиз тугар умрим дафтари?!»
Сулувхон ёнаркан ҳижрон ўтида
Бўзларди отадан айрилган Одил.
Латифа ўз дардин ичга ютди-да,
Уларга юпанчдек бардам туролди.
Синиқ кўнгилларга даво бол сўзи,
Жангдаги ёрига тиларди омад.
Соғиниб бахтининг порлоқ юлдузин,
Тунлари бедору, кундуз бетоқат.
Диллар жароҳати топмасдан шифо,
Машъум мужда билан келди хабарчи:

Қиясат онага боз қилмабди вафо,
«Фарзандингиз Нодир қаҳрамонларча...»

Сулув кўзларига тор бўлди жаҳон,
Одил тополмасди жон қўярга жой.
Латифа бошига йиқилди осмон,
Зулмат-ла қопланди яшнаган чирой.
Оламни бузаркан она ноласи,
Бўзларди бир йиллик келинчак қалби:
«Йўлингда нитизор кўзим жоласин
Сел қилиб, шунқорим қайларда қолдинг?
Ўзим-ку юпанчга муштоқман, ахир,
Қандай юпатайин онажонингни-!
Қалбимда ардоқлаб садоқат, меҳр.
Бошга кўтарсам ҳам меҳрибонингни,
Отанг мотамидан яра юрагин
Заррача овутмоқ келмас қўлимдан.
Сендай бўлолмасман, таянч, тираги.
О, бу куним минг бор оғир ўлимдан!»

XI

Ҳали тўймай туриб висол тотига
Шаҳид бўлмиш жондан азизроқ Нодир:
Латифанинг умри ва ҳаётига
Сингиб кетди жондан лазизроқ Нодир.
Икки дард кемирар, Латифа дилин:
Еридан жудолнк, она кулфати.
Сулувхонга қиздай меҳрибон келин
Онага боғлади умри, қисматин.
Она бўлмоққа ку улгуролмади.
Аммо она қалбин билар Латифа.
Асо бўлиб тиклаб она қоматин,
Унга сабру бардош тилар Латифа.
Маҳалла аҳлидан оларди дуо,
Содиқ қолган эди мард қурбонларга.

Онага қасд этди яна бу дунё:
«Фарзандингиз Нозим қаҳрамонларча...»



О, қисмат, бунчалар бўлмасанг басир,
Чилпарчин қилдинг-ку Сулувхон дилин.
Аёл гулдай нозик мавжудот, ахир,
Бу ғамдан филнинг ҳам синмасми бели?!
Уч эркак йўқотмиш битта хонадон,
Маҳалла айланди азахонага.
На бир ширин калом, на бирор инсон
Тасалли беролмас шўрлик онага.



Мунча бардошлисан, эй, она қалби,
Қуёшдай захматкаш,
Қуёшдай ёниқ.
Қуёшга шунча ўқ отилса, балки
Парча-парча бўлиб кетмоғи аниқ.

Нечун сажда қилмай сенинг қошингда,
Ададсиз кулфатга берган бўлсанг дош.
Кўзларингдан оққан аччиқ ёшингдан
Эриб кетардику ҳатто заранг тош.
Кўксинг жафоларга қилдинг-у, қалқов
Ҳар фарзандинг билан бирга жов бердинг.
Зафар умидидан кечмай, онажов,
Саботинг-ла манфур ёвни ўлдирдинг.

XII

Уруш авжда эди.
Уруш баҳона,
Тақдир отар эди кулфатлар тошиқ.
Уч суянган тоғи қулаган она
Тамом йўқотганди сабру бардошин.

Нола бўлиб учар изтироблари,
Аламлари кўздан сел бўлиб оқур.
Кетма-кет ҳижроннинг ғам-азоблари
Ениқ кўзларини айлади бенур.
Нурсиз кўзларига зиймистон олам,
Табиат йўқотмиш кўрк, тароватин.
Қалбини анордай эзгувчи алам
Қасосга айланиб, жўшар нафрати.
Газанда Гитлердан қурбонлар ўчин
Олмоқ истар эди бу онаизор.
Тўмарисдай қайнар ғайрати, кучи,
Афеус, ёвга бормай бўлган ярадор.
Жангчига айланган вужуди, жони,
Жангчи сўнгги ўқни асрар ўзига.
Сўнгги ўқдай қолган кенжа ўғлони
Қирқ учинчи йилнинг сарғиш кезида
Оқ йўл сўраб келди она қошига.
Ёвдан олай, дея, отам хунини,
Одамликдан йироқ ғаним бошига
Созай деб, дарбадар итлар қунини.
Икки ўт ичида ўртанди она,
Ахир, Одил унинг сўнгги тираги.
— «Юбормайман!» — дерди кўнглида,
Яна...
«Юбор!» деб амр этар ўчли юраги.
Шунда она бўлиб туйди ўзи ҳам,
Онадай муқаддас Ватан дардини.
Ватан ярасига бўлмаса маяҳам,
Фашист ҳур Ватани бут қўярмиди?!
Бағри эзилса ҳам қаддин тутди ёз,
Қасоскор кенжасин йўлин тўсмади.
Наздида у олар эл учун қасос,
Тўё унга боғлиқ Ватан қисмати.

XIII

Одил ҳам жўнади.
Қўлига асо,
Кўзига нур бўлиб Латифа қолди.
Келинини ёт дерлар,
Ёт эмас асло,
Уч ўғил ва қизнинг ўрнини олди.
Нодирдан ёдгор келиннинг меҳри
Тасалли берарди онаизорга.
Латифа онага бахш этиб умрин,
Садоқат кўрсатар суюкли ёрга.
Ҳафталарни қувиб ўтар ҳафталар,
Ожиз онага ҳеч топилмас нажот,
Одил мактубида йўллар хушхабар,
«Қирон солмоқдамиз ёвга, онажон!»
Одил хатларини ўқий олмасдан
Ўниб ё юзларига суртар суюниб:
«Кенжам олаётир қурбонлар қасдин,
Ҳадемай бошлаймиз зафар тўйини...»
Сулувхон қалбида нурланар умид,
Кенжасин хатлари бўлмаса канда...

XIV

Не қора кун эди,
Не қора маврид,
Латифа почтага ногоҳ кирганда,
Мабъус кутиб олди уни почтачи.
Бу яна бир машъум муждадан дарак,
Ҳайҳот, бу кулфатни она билса-чи,
Юраги ёрилиб ўлиши бешак.
Бирга югурдилар маҳаллакомга
Раис ҳам жонсарак:
Билмасин «ая!»
Узоқ кенгашдилар.
Яна ниҳоят

Латифадан чиқди бир жўяли гап.
«Билдириш» қоғозин яширин тутиб,
Ўзга иншо билан тўлди саҳифа...
Аччиқ аламини ичига ютиб,
Онага шундай хат ўқир Латифа:

«Ассалом, онажон — кўзларим нури,
Омон юрибсизми менинг бахтимга?!
Бадбахт фашистларнинг қуритиб шўрин,
Етдик Германия пойтахтига.

Уруш ҳам тугади,
Зафар муборак!

Энди унутилар андуҳларингиз.

Балки қайтишимдан топгансиз дарак,
Очилгай сеп тўла сандиқларингиз.

Аmmo, онажоним ҳозирча узр.

Қошингизга бир оз кечроқ борурман.

Ўзримни эшитиб бўлманг беҳузур,

Аламли дилимни сизга ёрурман:

Украина ерида отам мазори,

Икки акам хоки қолган, биласиз.

Улар хотираси умрдай азиз.

Сиз учун ҳам гулга кўмайин бориб.

Атрофга гул ёйди мўзаффар баҳор,

Уларни кимсасиз қолдирай нечун?

Сиз ёлғиз эмассиз, келинойим бор,

Койиманг онажон, эркалик учун.

Эҳтимол, бирор йил қолурман унда,

Балки бахтимни ҳам излаб кўрарман.

Меҳрингиз йўлимни ёритгай кундай,

Зориқтирмай тез-тез йўқлаб турарман.

Бошим кўксингизга босганча:

Одил.

Берлин, учинчи май, қирқ бешинчи йил».



Ҳамон сир тутилар келин тадбири,
Одил ҳалокатин билмас маҳалла.
Куттиш бўлиб қолмиш она тақдири,
Қулоғи эшикда «тирқ» этган палла.

XV

Она-ку ўғлини кутади, лекин
Гўзал Латифани кутдиргувчи йўқ.
Садоқат аталган ноёб дил мулкни
Барча туйғулардан тутар у қутлуғ.
Ҳали ўн гулидан очилмай бири,
Уруш жудо этди ёридан мангу.
Қалбига нақш айлаб Нодир тасвири,
Ўзга ёр васлини истамади у.
Нодирдан қолмади мерос ё зурёд,
Фақат қуёшдай пок муҳаббат қолди.
Ширин туш сингари эзгу хотирот,
Илтижо битилган сўнгги хат қолди:

«Жоним, авайлагил онажонимни,
Эркаклар йўқлигин сездирма зинҳор.
Ўзинг чироғи бўл хонадонимнинг,
Меҳринг зиёсидан чекинсин озор.
Ҳақ ишда ғалаба қозонгай халқим,
Албатта музаффар қайтгум қошингга.
Хизматларинг ҳаққи,
Кутганинг ҳаққи,
Тож қилиб бўтаргум сени бошимга...»

Латифа садоқат тийсоли бўлиб,
Ёр хатин қасамдай муқаддас тутди.
Она хизматини қисмат, деб билиб,
Ёшлик, ҳаловатни тамом унутди.
Ёри қурбон бўлган ўша лаҳзада

Тароватда тенгсиз жонона эди.
Игирма уч ёшда,
Кўрган ларзада,
Не-не азаматлар парвона эди.
Жоноқи олмадай ёнган юзига,
Сим-сиёҳ сочига жон берсанг арзир.
Пайваста қошлару чайқоқ кўзига
Кимлар бўлмадилар шайдо-ю асир.
Кўплар соя каби эргашиб юриб,
Ваъда айладилар қўл етмас иқбол.
Совчилар мокидай зир-зир югуриб,
Унга етишмоқни қилдилар хаёл.
Латифа садоқат тимсоли бўлиб,
Ёр хатин қасамдай муқаддас тутди.
Она хизматини қисмат, деб билиб,
Ёшлик, ҳаловатни тамом унутди.
Шунда қўл солдилар она кўнглига:
«Этманг бечоранинг ёш умрин хазон.
Энди ихтиёрин берини қўлига,
Ахир ўз бахтини топсин бу жувон!»

Ахир не ихтиёр шўрлик онада,
Неча бор келинга солди маслаҳат:
— Шаҳид тирьлмаган ҳеч эфсонада.
Қизим, минг розиман, изла ўзга бахт».
— «Инсонга бир марта берилгуси бахт,
Ўзга бахт кетидан қувмам, онажон!
Бахтим — Нодиримни унутиб ҳеч вақт,
Севгимни қон билан ювмам, онажон!»
Ўртамоқ бўлдилар:
— Кетасан увол,
Фарзанд лозим бўлур, ахир, аёлга.
Чакалоқ меҳрини туймаса аёл,
Охир ўхшаб қолур жонсиз деволга.
Йўқ, унга қор этмас бу сафсаталар,
Қалбида ўзга бир олов ёнади:

— Фарзанд деб, ё бахт деб ташлаб кетсам гар
Меҳримга гўдакдай ташна онани,
Ўзим кечиролмам ўзимни асло.
Боз мени кечирмас Нодирнинг ёди,
Бўлур умрим хазон, толеим қаро.
Шу она хизмати — эзгу муродим».
На мансаб, на бойлик ва на шухратга
Гўзал Латифанинг кетмади эси.
Сулувхон кўксига бош қўйган пайтда
Туйди барчасидан лазиз ёр исни.

XVI

...Тинмай айланади фалакнинг чархи,
Йил ўтар, пул келар Одилдан фақат.
Гарчи билолмагай кун ва тун фарқин,
Она кенжасини кутар бетоқат.
Гоҳо ўксинади хуноби ошиб:
«Пулинга зормасман, меҳринга зорман,
Мунча ташна қилдинг,
Вой, бағри тош-ей!»
Дийдорига тўймоқ кўнглида армон.



Қора хатни пинҳон тутилган кезде
Одил келган бўлди Украинага.
Латифа кунора қатнаб «собес»га,
Нафақа ундирди ожиз онага.
Нафақа келтирса почтачи ҳар гал,
Одил маошидан, — дейди, — бир улуш,
Она кўнгли учун тўқиб хушхабар,
Дедилар: уйланмиш, фарзанд туғилмиш.
Байрам кунларида шўрли онага
Набираларинг деб сурат тутдилар.
Униб суркар экан, юз, пешонага,
Изтироб ичида зардоб ютдилар.

Шундоқ! Йўқотмасдан она ишончин,
Одил ҳалокатин тутарлар пинҳон.
Ўзлари эзилиб, она қувончин
Бутун сақлашмоқда келин, почталъон.

XVII

Ииллар ўтаверар, келмас кенжаси
Қочиб кетмаган-ку Украина ҳам.
Гоҳо тузар бориб кўрмоқ режасин,
Фақат бир андиша қайтарар йўлдан:
«Ёлғиз боролмайди.
Латифа ҳамроҳ,
Демак, дарвозани беркитиш даркор.
Келину қайнона отланишган чоғ
Одил этган бўлса сафар ихтиёр...
Ўғил-қизларини олиб ёнига,
Бирдан кириб келса кўча тўлдириб,
Олов туташмасми ёлғиз жонига,
Даъфатан эшикни қулфлоғ кўриб?!
Қулфлоғ дарвоза—чилладай совуқ.
Машъум хаёлларга олиб бормасми?!
Қулфлоғ дарвоза бамисоли ўқ,
Мажруҳ юрагини баттар ёрмасми?!
Кимсасиз қолибди, чорбоғимиз деб
Мияга тепмасми Одилнинг қони?!
То хабар бергунча қўшнилар чиқиб,
Худо кўрсатмасин... танҳо ўғлони...»
Яна ўз шаҳтидан қайтади она,
Интизор кутмоқни афзал кўради.
Гоҳо шубҳаларга боради, яна
«Тирик! Тирик!» дейди ташна юраги.

Ширин умидига бағишлар қанот.
Мисли бир фаришта,
Бир оққуш бўлиб,
Кенжасин қутади бу мўътабар зот.

XVIII

Уви сийламади нотанти ҳаёт,
Ғамлардан букилди адл қомати,
Уруш бор-йўғидан айирди, ҳайҳот!
Аммо умидидан айиролмади.

Ёлғизгина умид — қанот ва нажот,
Ундан бир дақиқа айру қолмади.
Ёлғизгина умид бахш этди сабот,
Кенжасин қутишдан асло толмади.

Соғинган лаҳзалар урди-ю фарёд.
Шубҳалар ичида у йўқолмади.
Умиди шубҳасин этди-да барбод,
Кенжасин қутишдан асло толмади.

Сўқир кўзларига зулмат — кoinот.
Тақдир тадбирига қулоқ солмади.
Яшашдан толди-ю бу мўътабар зот,
Кенжасин қутишдан асло толмади.

X O T I M A

Достонимга нуқта қўйдим,
Аммо азиз китобхон,
Урушнинг ғам-ғуссасига
Нуқта қўйиб бўлмагай.

Жанггоҳларда шаҳид бўлган
Иигирма миллион ўғлон,
Оналарнинг юрагида
Ҳамон тирик, ўлмаган.

Улар она меҳри билан
Асрадилар Ватани,
Жонлар бериб оқладилар
Оналарнинг оқ сунти.

Бугун эса эсга солиб
Уша қирғинли жангни
Етибдилар оналарнинг
Ўалбини машъалдай тутиб.

Наманган — Тошкент,
1977 йил.

МУНДАРИЖА

БИР СИҶИМ ТУПРОҚ

Ипак мавсуми	3
Буюклик	5
Мулоқот	6
Ранглар	8
Бир сиқим тупроқ	9
Қуёш	12
Мақтовлар	13
«Гувоҳ қилмоқчидай ўтган умрга»	13
Ният ва қисмат	14
Машраб	15
Зарифанинг туғилган кунини	16
Истакларим	17
«Илҳом оғушида маст бўлсам гоҳо»	18

МЕНИНГ ИЗЛАГАНИМ

Мактуб	19
Менинг излаганим	21
Лаҳза	22
«Бизни чорраҳада учратди ҳаёт»	22
«Ёр ёнида ёниб сўзладинг»	23
«Малоҳат бобида танҳосан, санам»	23
Жавоб	24
«Доғ солиб сўзлашар тиниқ шаънингга».	24
«Сени юрагимнинг қаъридан мутлоқ»	24

БИР ШИНГИЛ ҲАЖВ

Денгиздаги суҳбат	25
Ҳазил	26
Ривоят	27
Онаизор (достон)	28

Саъдулла Ҳабиб.

Яна остонангда... (Шеърлар ва достон). —
Т. «Ёш гвардия», 1982. — 56 б.

Саъдулла Ҳабиб. Опять на твоём пороге.
Стихи и поэма.

Ўз2

На узбекском языке

ХАБИБ САГДУЛЛА

ОПЯТЬ НА ТВОЁМ ПОРОГЕ.

Стихи и поэма

Ташкент, издательство «Еш гвардия», 1982

Редактор: Тўлқин
Рассом А. Орипов
Техн. редактор Г. Аҳмаджонова
Расмлар редактори Р. Зуфаров
Корректор. М. Азимбоева

ИБ № 1003

Босмохонага берилди 20. 01. 1982 й. Босишга рухсат этилди. 22. 06 1982 й. Р—12876. Формати 70x90 1/32 1-босма қоғозга «Новая газетная» гарнитурада юқори босма усулида босилган. Босма листи 1,75 Шартли босма листи 2,04. Нашр листи 2,12. Тиражи 10000 Буюртма №182; Шартнома №94-81 Баҳоси 25 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти, Тошкент, 700129. Навоий кўчаси, 30.

Наманган область «Ударник» босмохонасида матрицалар тайёрланган. Наманган ш. 716002. Гагарин кўчаси, 36. Ўзбекистон ССР нашриёт полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмохонасида босилган. Янгийўл ш., Самарқанд кўчаси. 44.

С $\frac{70403-91}{356(04)-82}$ 46-82 4700000000